



2020 у. «17» сентябрь

№ Қ-466

«\_\_»\_\_20\_\_ г.

Жарқўрғон тумани Сурхон массиви  
“Мингчинор” маҳалласи худудидан  
“QO'RG'ON SIFAT QURUVCHI” МЧЖга  
тутчиликни ривожлантириш учун ер  
майdonи ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пиллачилик тармоғида ипак курти озука базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 17 январдаги ПҚ-4567-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/522-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 07 июлдаги 01-05/109-сон хатини кўриб чиқиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/522-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани Сурхон массиви “Мингчинор” маҳалласи худудидан “QO'RG'ON SIFAT QURUVCHI” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 835-дала контуридаги тупрок унумдорлиги 42 балл бонитетли жами 5,33 гектар шундан 5,25 гектар суғориладиган экин ер, 0,06 гектар ариқ ва зовурлар, 0,02 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари тутчиликни ривожлантириш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов